

# Фарғона Водийси Шимолий-Шарқий Худудларида Махаллий Туризм

Тўрабоева Яйра Рустамжоновна<sup>1</sup>

**Аннотация:** Мақолада дунё иктисодиёти равнақига давлатлар бренди даражасида таъсир этиб бораётган туризмнинг махаллий ресурсларини ақс эттирувчи жиҳатлари, хусусан Фарғона водийсининг шимолий-шарқий худудларининг туризм имкониятлари таҳлил этилди. Шунингдек, водийнинг махаллий замонавий туристик маршрутлари, тарихий, археологик, меъморий ва табиий бойликлари билан Ўзбек туризм имкониятлари ва мавжуд муаммолар илмий мунозара этилди.

**Калит сўзлар:** Махаллий туризм, экотуризм, тарихий ёдгорликлар, агротуризм, археологик туризм, этнографик туризм, диний туризм, туризм инфратузилмалари.

**Қириш.** Ўзбекистон ўзининг кўплаб қадимий обидалари, бой табиати, бугунги жадал тараққиёти билан бутун дунё эътиборини тортмоқда. Асрлар давомида мамлакат савдогарлар, географлар, миссионерлар ва кейинчалик сайёҳлар саёҳат қилган буюк Ипак йўли йўллари кесишган макондир. Ҳозирги Ўзбекистон тараққиётини махаллий этник миллатларнинг тарихи, урф-одатлари ва маданиятлари Буюк Ипак йўли тарихи билан нақадар чапишиб кетганлиги ёрқин кўзга ташланади. Замонавий инсон маънавий ҳаётининг идеалларини излаш ўз-ўзини аниқлаш учун турли хил ижтимоий роллар, фазовий ҳаракатлар билан тажриба ўтказиш учун максимал имкониятлар билан шахсий тажрибаларга тушади. Натижада, дунё миқёсида шаклланаётган зиёрат туризмнинг ривожланиши муқаддас жойлар, зиёратгоҳлар билан боғлиқ урф-одат ва маросимларни таҳлил қилиш, уларнинг махаллий хусусиятларини илмий асосда тадқиқ қилиб, оммавий равишда тарғиб қилиш каби вазифаларни кун тартибига қўйиб бормоқда. Жумладан, Бутунжаҳон туризм ташкилоти (Бош Ассамблеясининг 13-сессияси, 1999 йил Сантьяго шаҳри) сессиясида қабул қилинган “Бутун жаҳон туризм ахлоқ кодекси”нинг “Диний, соғлиқни сақлаш, таълим, маданий ва тиллар алмашинуви мақсадларига қаратилган саёҳат туризмнинг рағбатлантирилиши лозим бўлган фойдали шакллари” таъминли, Таълим, фан ва маданият бўйича Ислом ташкилоти (ИСЕССО) томонидан зиёрат туризмни ташкиллаштириш ва тарғиб қилиш борасидаги амалий ҳаракатлари бунга яққол мисолдир.

Туризм индустрияси ўзига катта сармоя ва ресурсларни мужассамлаштириши билан бир қаторда давлат ва жамият учун зарур бўлган маънавий-маърифий функцияларни бажарувчи иктисодиёт тармоғи ҳамдир. Шу билан бир қаторда унинг ноанъанавий турлари-экотуризм, агротуризм, археологик, этнографик, диний туризм, экстремал шароитлар туризми ва бошқалар шакллана бошланди. Эътиборлиси шуки, мазкур йўналишлар мутахассислар томонидан тез тараққий этаётган соҳалар сифатида эътироф этилмоқда. Шу боисдан ҳам Республикамиз ҳукумати томонидан ўзбек халқининг қадимий тарихи ва бой маданий меросини тиклаш ҳамда уни дунё жамоатчилигига етказиш борасида кўплаб амалий тадбирлар бажарилиб борилмоқда. Бу борада 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини Ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегиясида ҳам туризм индустриясини жадал ривожлантириш, иктисодиётда унинг роли ва улушини ошириш, туристик хизматларни диверсификация қилиш ва сифатини яхшилаш, туризм инфратузилмасини кенгайтиришга эътибор берилган[1].

**Адабиётлар таҳлили.** Ушбу мавзу юзасидан тадқиқотларни таҳлил этилганда айнан туризм тармоғини иктисодий фанлар билан боғлиқ ҳолда тушуниш урф булганлигини кузатиш мумкин. Аслида туризм айнан қайти тармок билан боғлаш бу масаланинг бир томони холос, туризм барча тармоқлар билан чамбарчас боғланган соҳа сифатида уни тадқиқот объект сифатида ёндашиш бизнингча тугри булади. Фарғона водийсининг шимолий-шарқий худудларида туризм имкониятлари таҳлил этилганда турфа тадқиқот натижаларини кузатиш мумкин.

Хусусан Я.Ғ.Ғуломовнинг тадқиқотларида Ўзбекистонда мавжуд моддий маданият ёдгорликларини асраш ва муҳофаза қилиш масалалари ўз ифодасини топганлигини тушуниш мумкин[2]. Аммо уларнинг тадқиқотлари совет мафқураси остида ҳамда артеизм руҳида баён этилган манбалар билан тенглаштирилди. Мустақиллик туфайли диний мадрасалар ва масжидларнинг тарихини илмий таҳлил этиш ва бу борада мафқурадан холи этиш борасида ҳам тадқиқотлар олиб борилди. Хусусан этнограф Н.Абдулаҳатовнинг тадқиқотлари диққатга сазовордир[3]. Шунингдек, туризм инфратузилмасини таҳлил этишда махаллий гиеграф, иктисодчи ва тарихчи олимларнинг ишлари диққатга сазовордир.

**Методлар.** Тадқиқотимизнинг объекти деб олинган Ўзбекистоннинг гузал шаҳарларидан бири булмиш Андижон вилоятининг ички имкониятларини еритишга қаратилган булиб, унда вилоятнинг археологик ёдгорликлари, этник

<sup>1</sup> Андижон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институти “Гуманитар фанлар” кафедраси катта уқитувчиси, АДУ докторанти

туризм, зиёрат туризми ва экотуризмни ривожлантириш орқали халқ маданий мероси объектлари ва анъанавий маданиятнинг феномени тарзида тадқиқ қилиш, улар тўғрисида батафсил маълумотларга эга бўлишни долзарб масала этиб белгиладик. Шу боисдан ҳам мавжуд имкониятларни чуқур англаган холда маҳаллий, миллий урф одатлар ва туризм имкониятларини этнология, тарихий, диншунослик ва социология каби фанлараро ёндашув асосда комплекс тарихий-этнологик йўналишда мукамал ўрганишга эҳтиёж мавжуд эканлигини англаган холда тадқиқ этилди. Тадқиқот амалиётининг мазмунини бойитиш мақсадида дала материаллари ҳамда маҳаллий адабиётлар тахлили методларидан кенг фойдаланилди.

**Натижалар.** Ўзбекистон бугунги кунга келиб туризм соҳасининг умумий ривожланиши, рақобатбардош туристлик маҳсулот яратилишини қўллаб-қувватлаш мақсадида тармоқдаги зарурий ислохотлар изчиллик билан амалга ошириб борилмоқда. Ўзбекистонда туризмни ривожлантириш мақсадида бир қанча амалий ишлар бажарилган бўлиб, уларга 2019 йил 16 апрелда қабул қилинган “Туризм тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни[2] асосий қадамлардан бири бўлса, кейинги ўринларда юртбошимиз Ш.М Мирзиёевнинг ташаббуслари ва эътибори нақадар ўринли эканлигини англаш мумкин. Зеро, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 9 февралдаги «Ўзбекистон Республикасида ички ва зиёрат туризми янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони, 2018 йил 7 февралда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ички туризмни жадал ривожлантиришни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”[3] ги қарори, 2018 йил 6 февралдаги “Ўзбекистон Республикаси туризмни ривожлантириш давлат қўмитасининг фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”[4] ги қарори, 2018 йил 19 декабрдаги “Моддий маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш соҳасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”[5]ги қарори, 2017 йил 16 августдаги “2018-2019 йилларда туризм соҳасини ривожлантириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида”[6]ги қарори ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг “Андижон вилоятининг марҳамат туманидаги «Мингтепа» археология мероси объектини муҳофаза қилиш, тадқиқ этиш ва ундан оқилона фойдаланиш тўғрисида”[7]ги қарорлар ва шу каби номатив ҳуқуқий ҳужжатлар мамлакатимиз туризм салоҳиятини жаҳон стандартлари даражасига кўтариш, миллий урф-одат ва анъаларни сақлаб қолган маҳаллий ўзбекларнинг ўзига хос жиҳатларини намоён этувчи тарихий объектлар, археологик ёдгорликлар, зиёратгоҳ ва қадамжоларни туризм объекти сифатида маълум этиш ва илмий ўрганишни тақозо этади.

Сайёҳлар учун ушбу ҳудудларнинг маданий ва этнографик хусусиятлари ҳам қизиқ. Умуман туризм маҳаллий аҳолининг фаол ижтимоий-иқтисодий иштирокини ҳамда мазкур фаолият туридан даромад олишини ҳам таъминлайди.

Андижон вилояти ўзининг иқлими, меҳмондўст халқи, тарихий маданий анъана ва урф -одатлари билан ажралиб туради. Вилоятда юртимизнинг Самарқанд, Бухоро ва Хива каби тарихий шаҳарлари даражасида меъморий объектлар ва маданий ёдгорликларнинг сақланиб қолмаганлиги баъзи муаммоларни келтириб чиқаради. Аммо шунини таъкидлаш лозимки, ҳудудда кам ўрганилган тарихий жойлар, зиёрат масканлари, археологик ёдгорликлар бисёр.

Ҳудудда 370 дан зиёд маданий мерос объектлари мавжуд. Уларнинг ҳар бири бамисоли ўтмишнинг ўқилмаган саҳифаси кабилар. “Жомъе” ва “Аҳмадбек ҳожи меҳмонхонаси” мажмуалари, “Қутайба ибн Муслим”, “Ширмонбулоқ”, “Имом ота” зиёратгоҳлари Андижон тарихидан сўзловчи масканлар сифатида кўпчиликнинг эътиборини тортаётган бўлса, “Мингтепа” ёдгорлиги, “Хонтоқ” ва “Фозилмон ота” дам олиш масканларининг номи дунёга мамлакатларига маълум ва машҳурдир. Ҳозирги кунда ушбу масканларни ўрганиш мақсадида Франция, Япония, Хитой каби кўплаб хорижий давлатлардан мутахассислар ташриф буюриб, изланишлар олиб боришмоқда[8].

Шунингдек, Андижон вилояти туманлари кесимида мавжуд зиёрат масканларини санаб ўтамиз, уларга Андижон шаҳридаги Бобо Таваккал зиёратгоҳи, Мирпўстин ота зиёратгоҳи, Ов гўр ота зиёратгоҳи, Ёркенгли шайх зиёратгоҳи, Пистамозор ота зиёратгоҳи, Уста пир ота зиёратгоҳи, Довохон азиз зиёратгоҳи, Йилқичи ота зиёратгоҳи, Яланғоч тўра зиёратгоҳи; Андижон туманида Қорабош ота зиёратгоҳи, Кечкин ота(Мозор бува)зиёратгоҳи, Меҳмони Валий зиёратгоҳи; Асака туманида Етти оға-ини зиёратгоҳи, Оқсоқол ота зиёратгоҳи, Мухаммад Сиддиқ Эшон зиёратгоҳи, Азиздин Эшон ота зиёратгоҳи, Кўккўчкор ота зиёратгоҳи, Балиқчи туманида Қирғизбобо зиёратгоҳи, Уч булоқ зиёратгоҳи, Тузлуқ момо зиёратгоҳи, Сўфи ота зиёратгоҳи, Нурали ота зиёратгоҳи; Булоқбоши тумани Сувлуқ ота зиёратгоҳи, Йигит пирим зиёратгоҳи, жалакудук туманида Қутайба ибн Муслим зиёратгоҳи, Тешиктош зиёратгоҳи, Жийрон зиёратгоҳи, Султон эна зиёратгоҳи; Исбоскан туманда Эйлотан шаҳристони, Оқ мазор ота зиёратгоҳи, Хўжакамбарота зиёратгоҳи, Қўргонтёпа туманида Юнус ота зиёратгоҳи, Биби сешанба зиёратгоҳи, Фозилмон ота зиёратгоҳи, Марҳамат туманида Қулоқ булоқ зиёратгоҳи, Қўйчи халфа зиёратгоҳи, Гўзал ота зиёратгоҳи, Хўжа Босмон ота зиёратгоҳи, Миришкор ота зиёратгоҳи, Оқ мазор ота зиёратгоҳи, Банди ота зиёратгоҳи, Бобохурсон ота зиёратгоҳи, Хотинқум зиёратгоҳи, Чашмаи Муборат зиёратгоҳи, Оқбош ота зиёратгоҳи, Тўра бобо зиёратгоҳи, Мулла тўйчи зиёратгоҳи; Олтинқўл туманида мула Мамнун шайх Акбар ҳазратлари ўғли зиёратгоҳи; Пахтабот туманида Ховоухон ота зиёратгоҳи, Кўктунлиқ ота зиёратгоҳи, Хўжа тақсим ота зиёратгоҳи; Улуғнор туманида Чангалмозор зиёратгоҳи, Гўдак пири мазори зиёратгоҳи; Хўжабот туманида, Имом ота зиёратгоҳи, Манак ота зиёратгоҳи, Қамбар ота зиёратгоҳи, Шаҳрихон туманида оқ тўнлик зиёратгоҳи, Кўк тўнлик зиёратгоҳи, Буваназар бува зиёратгоҳи, Маслаҳат ота зиёратгоҳи, Сегезақум зиёратгоҳи каби юзлаб маҳаллий зиёрат масканлари киради.

**Мухокама.** Ҳозирги кунга келиб, худудда туризмни ривожлантириш мақсадида тарихий обидалар қайта таъмирланиб, муқаддас қадамжолар обод қилинмоқда. Хусусан, тарихи бевосита вилоят ўтмиши, қадрияти, аҳоли турмуш тарзи билан чамбарчас боғлиқ бўлган “Девонабой” масжиди ҳозирги кунда маълум даражада ўзгариб, янги қиёфа касб этган. Унинг нақшинкор миноралари, замонавий ва Шарқ меъморчилиги уйғунлаштирилган лойиҳа асосида қад ростлаган ҳашаматли биноси, бири-биридан маҳобатли тўртта дарвоза, битта хонако, кўшк ва айвонлари, мухташам деворлари шаҳар чиройини очади.

Хорижлик сайёҳларни ўзига жалб этган масканлардан яна бири Марҳамат туманидаги Мингтепа археологик манзилдир. У икки ярим минг йиллик тарихга эга бўлиб, ЮНЕСКОнинг маданий ёдгорликлар рўйхатига киритилган. Манбаларда келтирилишича, Мингтепа қадимги Даван(Фарғона) давлатининг пойтахти бўлган. Хитой ижтимоий фанлар академияси ва Ўзбекистон Фанлар академияси ҳамкорлигида беш йилдан буён олиб борилаётган изланишлар натижасида бу ерда 2-2,5 метр тупроқ остида катта шаҳар харобалари топилди. Мудофаа деворлари, ички ва ташқи йўллар, қалъа ўрни, аҳоли турмуш тарзи, турли ашёвий далиллар тарихнинг очилмаган саҳифасидан ҳикоя қилмоқда. Мудофаа деворларининг ўзига хос услубда пиширилган лойдан бунёд этилганлиги ўша давр меъморчилик санъатидан огоҳ этади, — дейди қадимшунос профессор Бокижон Матбобоев. Топилмалар, уларни ўрганиш орқали Мингтепа тарихига оид янги маълумотларни аниқлади. 2017 йилнинг 11 январида Хитойнинг "Синхуа" ахборот агентлиги томонидан Мингтепа 2000 йилдан зиёд вақт аввал Фарғона водийсидаги энг йирик қаср-шаҳар бўлганлиги, ўз навбатида Мингтепа археология ёдгорлиги жаҳоннинг аксарият манбаларида таъкидланганидек, Довон давлати пойтахти эканлиги, унинг жойлашган ўрни ҳақида аниқ маълумотлар хабар берилди. Мингтепа ёдгорлиги халқаро миқёсда эътироф этилди, жаҳон тарихчи олимлари ва кенг жамоатчилик эътиборига маълум бўлди. Топилган осори-атиқалар, қурилиш иншоотлари қолдиқлари, кулолчилик идишлари, ҳайвон суяклари ва тошдан ясалган ёрғучоқ, палахмонлар Мингтепанинг ҳақиқатан ҳам ўз вақтида ривожланган шаҳар бўлганини тасдиқлайди. Мингтепа икки қатор мудофаа иншооти билан ўраб олинган қалъа-шаҳар бўлган. Шу ўринда таъкидлаш лозимки, Мингтепа археология ёдгорлиги ўзининг қадимийлиги, бетакрорлиги, тарихий аҳамияти билан сайёҳлар эътиборини жалб қилиб, жаҳон туризмнинг қайноқ нуқтасига айланди[9]. Ҳозирга келиб, Андижон вилояти Марҳамат тумани бетакрор табиати, табиий ландшафти, шифобахш ҳаво оқими, айниқса, бой тарихий меросидан фойдаланиб, худудда туризмнинг агротуризм, экотуризм, зиёраттуризми каби йўналишларни ташкил этиш орқали ривожлантириш учун барча имкониятлар бисёр.

Ўзбек халқининг қадимий тарихи ва бой маданиятини тиклаш, «Мингтепа» археология мероси объектини чуқур илмий ўрганиш, кенг тарғиб қилиш, муҳофаза қилиш, тадқиқ этиш ҳамда ташриф буюрувчилар учун қулай шарт-шароитлар яратиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан 2018 йил 12 сентябрда «Андижон вилоятининг Марҳамат туманида саноат, хизматлар соҳаси ва қишлоқ хўжалигини ривожлантириш орқали аҳоли бандлигини таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори ушбу объектга нисбатан давлат даражасидаги эътибор қаратилаётганлигидан далолат беради[10].

Ушбу зиёрат масканларининг баъзилари маҳаллий халқ томонидан улуғланади ҳамда ушбу масканларга зиёрат қилиш ва бошқа мақсадларда вилоятнинг турли бурчакларидан одамлар ташриф буюради. Зиёрат қилиш баҳонасида зиёратчилар ўзларининг орзулари, муаммоларини ҳал этиш ҳамда кўпинча дам олиш мақсадларини кўзлайдилар. Кўплаб зиёрат масканлари оммавий қабристонлар ёнида жойлашган бўлиб, уларга келган одамлар баъзи бир амалларни бажарадилар. Масалан, таом тайёрлаш, дуо фотиҳи қилиш, фарзанд сўраш, эҳсон қилиш ва бошқа бир қанча амалларни бажарадилар. Ҳозирда ушбу зиёрат масканларига ташриф буюриш мақсадлари бироз ўзгарган. Яъни ташрифчиларни кўпроқ дам олиш масканларига яқин бўлган ҳамда табиат манзараси билан ажралиб турувчи жойлар кўпроқ қизиқтиради. Ушбу жойларнинг тарихи, маданий аҳамияти, этник хусусиятлари афсуски кам қизиқиш уйғотади ва бу ҳолат баъзи салбий оқибатларга олиб келади. Шу боис вилоятда мавжуд зиёрат масканларига нисбатан дунёқарашнинг ўзгариб бораётганлигини инобатга олиб уларни илмий таҳлил этиш долзарб вазибалардан биридир.

Зиёрат туризмни ривожлантиришда муҳим жиҳатларидан бири зиёратгоҳларни сақлаш, реставрация қилиш, шунингдек, ушбу масканларни нафақат маҳаллий халқ эътиборига балки, дунё мамлакатлари миқёсида ҳам танитишдан иборатдир. Юқоридагилардан келиб чиқиб, мавзунинг долзарблиги шукдаки, Ўзбекистон Республикаси Марказий Осиёдаги мамлакатлар орасида баъзи давлатларга нисбатан йирик туристик салоҳияти, соҳада юқори даражадаги рақобатга бардош бера оладиган ҳамда туризмни янада ривожлантириш учун потенциал имкониятларга эга бўлган мамлакатлардан бири эканлигидир.

**Хулоса.** Хулоса қилиб шунини таъкидлаш мумкинки, водий широйтида зиёрат туризмнинг ривожланишига тўсқинлик қилувчи баъзи омиллар борки, уларни бир нечтасини санаб ўташни лозим билдик, улар:

- ✓ ҳаво қатновидаги юқори нархлар;
- ✓ инфратузилмаларнинг етарли даражада ривожланмаганлиги;
- ✓ малакали ва жаҳон талабларига мос кадрларнинг етишмаслиги;
- ✓ туризм ва меҳмонхона индустриясини ҳуқуқий тартибга солишдаги муаммолар;
- ✓ меҳмонхона саноатидаги нархлар ва хизмат кўрсатишдаги номуносибликнинг мавжудлиги;
- ✓ турмаҳсулотлар сифати ва нархлари ўртасидаги фарқ;
- ✓ зиёрат туризмнинг мавсумийлиги(кўпроқ баҳор ва куз ойларида, баъзан ёз ойларида ҳам);

- ✓ хизматлар соҳаси турлари кесимида статистик маълумотларнинг йўқлиги.
- ✓ Зиёрат масканларига боровчи транспорт масаласидаги муаммолар;
- ✓ Зиёратхўрларнинг таъмирланмаганлиги;

Шу каби муаммолар сабабли мамлакатимизнинг сайёҳлик салоҳияти тўлиқ ўзини оқлай олмаслиги мумкин. Бунга асосий сабаблардан бири туризм инфратузилмаларининг ривожланмаганлиги, инфратузилмаларни ривожлантириш учун инвестицияларнинг етарли эмаслиги ҳисобланади. Зиёрат туризмга инвестиция жалб қилиш орқали янги туристик объектларни бунёд этиш, мавжуд объектларни қайта таъмирлаш ва реконструкция қилиш, янги туристик хизматларни йўлга қўйиш ҳамда соҳага инновацион ғояларни татбиқ этиш мумкин. Бу эса ўз навбатида туристик хизматлар сифатини ошириш ҳамда рақобатбардош миллий туристик хизматларни жаҳон бозорига таклиф қилиш орқали юртимизга ташриф буюрувчи сайёҳлар сонини кўпайтириш имкониятини беради ва албатта давлатимиз тараққиёти, иқтисодий раванки учун хизмат қилади.

#### Фойдаланилган адабиётлар.

1. Харакатлар стратегияси. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда, 20-сон, 354-модда, 23-сон, 448-модда, 37-сон, 982-модда; Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 31.07.2018 й., 06/18/5483/1594-сон; 11.12.2019 й., 06/19/5892/4134-сон; 17.03.2021 й., 06/21/6188/0216-сон). Lex.uz
2. Я.Ғуломов. Ўзбекистонда моддий-маданий ёдгорликларни сақлаш, ўрганиш йўллари. – Тошкент, 1934. Б. 120
3. Н.Абдулахатов. Фарғона водийси аҳолиси турмуш тарзида зиёратгоҳларнинг ўрни. Диссертация.Т.2008
4. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 19.07.2019 й., 03/19/549/3446-сон. Lex.uz
5. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 08.02.2018 й., 07/18/3514/0672-сон; Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 31.07.2018 й., 06/18/5483/1594-сон; 11.12.2019 й., 06/19/5892/4134-сон; 20.06.2020 й., 07/20/4755/0783-сон
6. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 07.02.2018 й., 07/18/3510/0668-сон; 15.08.2019 й., 06/19/5781/3567-сон; 10.02.2021 й., 06/21/6165/0104-сон
7. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 20.12.2018 й., 07/18/4068/2349-сон; 27.05.2020 й., 07/20/4730/0670-сон; 27.01.2021 й., 06/21/6146/0065-сон
8. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 33-сон, 845-модда; Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 31.07.2018 й., 06/18/5483/1594-сон; 10.01.2019 й., 03/19/514/2450-сон; 20.06.2020 й., 07/20/4755/0783-сон
9. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори 29.12.2018 й.сон- 1059
10. [хтпс://инвест.гов.уз/уз/инвестор/тоурисм/](https://invest.gov.uz/uz/investor/tourism/)
11. [хтпс://хс.уз/узкр/пост/олтин-водижнинг-схаффоф-гавхари](https://хс.уз/узкр/пост/олтин-водижнинг-схаффоф-гавхари)
12. “Андижон вилоятининг марҳамат туманидаги «мингтепа» археология мероси объектини муҳофаза қилиш, тадқиқ этиш ва ундан оқилона фойдаланиш тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 29.12.2018 й., 09/18/1059/2404-сон.лез.уз
13. Т. Яйраҳон. Ёшлар миллий маънавиятини юксалтиришда зиёратгоҳларнинг ўрни: “Қутайба ибн Муслим зиёратгоҳи” мисолида. //“Ўзбекистон халқаро рейтингларда: ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг самарадорлиги, муаммолар ва ечимлар” мавзусидаги Халқаро илмий-амалий конференция материаллари. 306-311. 2021/7/17.
14. TY Rustamjanovna. CLASSIFICATION OF SHRINES (on the example of Andijan region). //Euro-Asia Conferences 1 (1), 300-303. 2021
15. ЯР Тўрабоева. ЭКОТУРИЗМ: ШИФОБАХШ БУЛОҚЛАР (АНДИЖОН ВИЛОЯТИ МИСОЛИДА) //Academic research in educational sciences 2 (9), 728-735. 2021
16. YR Toraboeva. culture of relationshin in the Uzbek family^ customs and new traditions. // zamonaviy fan, ta'lim va tarbiyaning dolzarb muammolari 2181 (9750), 270-276
17. YR Turaboyeva. TRADITIONS AND VALUES IN UZBEK FAMILIES. // НАУКА И ТЕХНИКА. МИРОВЫЕ ИССЛЕДОВАНИЯ, 32-34
18. ЯР Турабоева. Обеспечение патриархальной системы в семейном институте: анализ проблем и решений. // Life Sciences and Agriculture, 140-144
19. Y Turabayeva, S Hakimov. RECOGNITION AND PROMOTION OF THE INTANGIBLE CULTURAL HERITAGE OF UZBEKISTAN INTERNATIONALLY BY THE UN AND UNESCO. //ОСОБЕННОСТИ ИННОВАЦИОННОГО ЭТАПА РАЗВИТИЯ МИРОВОЙ НАУКИ, 10-12.